

ШАРТНОМА № 50460

Урганч шаҳри

2022 йил “23” Март

Низом асосида фаолият юритувчи Урганч давлат университети Академик лицейи (кейинги ўринларда буюртмачи деб аталади) директор А.Кутлимуратов номидан низом (ишончнома) асосида бир томондан FAST FOZILJON MCHJ фаолият юритувчи (кейинги ўринларда аутсорсер деб аталади) раҳбар И.Бекчанов, иккинчи томондан, кейинчалик томонлар деб аталади, ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер буюртмачининг Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунга қадар хар куни буюртмачини муассаса беъморларига иссиқ овқат тайёрлаб бериш хизмати хамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукукий хужжатлари билан нормалари ва қоидаларига риоя этган холда, буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган хисоб фактура имзоланиб буюртмачи Аутсорсернинг мазкур шартномада кўрсатилган банк хисоб-ракамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг хизматлар кўрсатилган деб хисобланади.

II. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер куйидаги хуқукларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулқдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмida техник жиҳатдан жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархи ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чикиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вактида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. 2020 йил 10 январдаги №16-сонли Ўзбекистон Республикаси ВМнинг “ССВ тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида Низом”нинг 2-боб 7-бўлимида кўрсатилганидек сарфланган маҳсулотлар нархи суммасига устига **20** фоизгача устама хақи олиш;

2.1.8. Фойдаланиладиган комунал хизматлар қиймати тулик аутсорсер хисобидан копланади хамда ижара шартномаси асосида вактинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш хоналари, асбоб ускуналари, идиш товоқлар ва мебеллардан фойдаланганик учун тулови 0,0 нол ставка бўйича белгиланади. 2020 йил 10 январдаги №16-сонли ВМнинг “ССВ тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида Низом”нинг 4-боб, 13-бўлимида кўрсатилган.

2.1.9. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқуклар.

2.2. Аутсорсер куйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли хамда оқилона фойдаланиш, саклаш, носоз холга келганда уларни ўз хисобидан таъмирлаш;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши; Ошхона худудига бегона шахсларга киришига йул куймаслик;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш хақида буюртмачини икки ой олдии ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат буюртмачининг гигиена санитария қоидалари, хамда нормалари ва тугагунига қадар эса тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлик хажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал килмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатлизлиги, хизматларни бажариш учун вактинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари холати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аникланганда, Аутсорсер зудлик билан буюртмачининг аникланган камчиликларни бартараф этиш бўйича конуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, кўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш хукукини берувчи тегишли хужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек,

белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган холларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига буюртмачининг худудида одоб-ахлок қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклashi;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланиншга топширилган ускуналар, жихозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз холда саклаши, таъмирлаши, шунингдек, лозим даражада фойдасидан келиб чикиб биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирган холда, буюртмачидан биноларни мебелларни, (хоналарни), инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш хақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равища огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган холларда);

2.2.16. Конун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи куйидаги хукукларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига: жумладан озиқ-овқат омбори ва бошқа кирим чиқим хужжатларига аралашмаган холда фақатгина тайёр бўлган овқатлардангина синамалар олиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида бир ой олдин аутсорсерни ёзма равища огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларни қийматини белгиланган тартибда тўлаши лозим;

2.3.4. Конун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуклар.

2.4. Буюртмачи куйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойдаги жами сумма хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтингча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар;

III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи куйидагича ҳисобланади 541 253 776 (**беш юз крик бир миллион икки юз эллик уч минг етти юз етмиш олти**) сўм ККС билан ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади. Буюртмачи амалдаги қонунчиликда кўрсатилган муддатларда курсатилган микдордан кам бўлмаган, яъни 30 % фоиз аванс тўловини олдиндан ижрочи ҳисоб ракамига ўтказиб беради. Колган 70 % микдордаги тўловни бажарилган ишлар қабул килиб олгач шу ойнинг узида ҳисоб фактурага асосан ўтказиб беради.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4. Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вактдан бошлаб, 10 банк куни давомида бир ойлик буюртмада курсатилган, белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган микдорда тўланади.

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси келишилган холда қайта кўриб чиқилади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф килишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси талабларида, “Хўжалик юритувчи субектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий

базаси тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-хукукий хужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Буюртмачига бир йилда бир маротаба ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган холда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг мазкур шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган фукаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган холатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф килиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чикиш учун берилади.

VI. Форс-мажор холатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай холатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий оғатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда холатлар ва алоҳида давр оқибати хисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатга сурилади.

VII. Якунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва кўшимчалар факат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий хисобланади. Мазкур шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисминн ташкил этади.

7.2. Томонларнинг хеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз хукук ва мажбуриятларини бошқа томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилади. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Мазкур шартнома “Буюртмачи” ва “Хизмат кўрсатувчи” томонидан тасдиқланиб, худудий ғазначилик бўлинмаларида руйхатга олингандан сўнг кучга киради ва шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил “ 31 ” декабрга кадар амал қиласи.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

“Аутсорсер”	“Буюртмачи”
Fast Foziljon MCHJ Манзил: Урганч ш Ю.Бабаканов №4 Х/Р: 20208000605049224001 Банк: Миллӣй банк, Урганч булими МФО: 00547 ИИН: 306304074 Рахбар:  И.бекчанов	Урганч давлат университети Академик лицейи Манзил: Урганч шаҳар Шовот кucha 27 ўй ШХ/Р: 400810860334017092500079001 ШХ/Р:  Марказий банк XKKM МФО: 00014 ИИН: 205260966 Рахбар:  А.Кутлимуратов

50460 сонли шартномага
 «23» Март 2022 йил кунги
50460-сонли шартномага
 илова

Шартноманинг прогноз суммаси

T/р	Ойлар	Оидаги кунлар сони	Үлчов бирлиги	Хизмат бирлиги учун нарх (сўм)	Хизмат бирликлари сони	Жами суммаси ККС сиз (сўм)	ККС %	Жами сумма ККС билан
1	Январь	31	хизмат кўрсатиш					
2	Февраль	28	хизмат кўрсатиш					
3	Март	31	хизмат кўрсатиш					
4	Апрель	30	хизмат кўрсатиш	22556	13250			298867000
5	Май	31	хизмат кўрсатиш	22556	1990			44886440
6	Июнь	30	хизмат кўрсатиш	22556	796			17954576
7	Июль	31	хизмат кўрсатиш					
8	Август	31	хизмат кўрсатиш					
9	Сентябрь	30	хизмат кўрсатиш	22556	1990			44886440
10	Октябрь	31	хизмат кўрсатиш	22556	1990			44886440
11	Ноябрь	30	хизмат кўрсатиш	22556	1990			44886440
12	Декабрь	31	хизмат кўрсатиш	22556	1990			44886440
Шартноманинг жами суммаси		365		22556	23996			541253776

бекорсан 21
 рахбарни *бекорсан*



УрДУ АКАДЕМИК лицей
 Директори *А.Кутлимуратов* А.Кутлимуратов